

Бақара сураси, 210-оят

16:20 / 17.02.2018 3369

Аллоҳ ва фаришталар уларга сояли булутларда келишига ҳамда ишнинг тугатилишига мунтазир бўлиб турибдилар, холос. Ва барча ишлар Аллоҳгагина қайтарилур. Бақара 210.

Очиқ-ойдин баёнотлар, ҳужжат ва далиллар келгандан кейин ҳам Исломга юрмай, шайтоннинг изидан юришларидан улар худди қиёматни кутаётганга ўхшайди. Иш тугаб, ҳамма нарса охирига етадиган кунни кутаётганга ўхшайди. Акс ҳолда, ҳамма нарса аниқ бўлган бўлса ҳам, нима учун Исломга кирмай турибдилар? Уларнинг йўлини нима тўсяпти? Улар билиб қўйсинларки,

«Ва барча ишлар Аллоҳгагина қайтарилур».

Кейин Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломга хитоб қилиб, бор ҳақиқатни кўра-била туриб ҳам Исломга кирмаётган Бану Исроил қавмидан уларга очиқ-ойдин ҳужжат ва далиллар келганини сўрашни буюради